

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАНСУРОВ МУХТОРЖОН ТОХИРЖОНОВИЧ**

**ҒИЛДИРАКЛИ ТРАКТОРЛАРНИНГ ОЛДИ ВА ОРҚАСИГА  
ОСИЛАДИГАН ИШЧИ ҚИСМЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН  
ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ  
АГРЕГАТЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

**05.07.01 – «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Мансуров Мухторжон Тохиржонович**

Ғилдиракли тракторларнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналарини агрегатлашнинг илмий–техник ечимлари. . . . . 3

**Мансуров Мухторжон Тохиржонович**

Научно-технические решения агрегатирования почвообрабатывающих машин, состоящих из рабочих частей, навешиваемых спереди и сзади на колесные тракторы. . . . . 25

**Mansurov Muhtorjon Tohirjonovich**

Scientific and technical solutions for aggregating tillage machines, consisting of working parts, mounted on front and back of the wheel tractors. . . . . 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works . . . . . 51

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc. 27.06.2017.Т.10.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ВА  
ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАНСУРОВ МУХТОРЖОН ТОХИРЖОНОВИЧ**

**ҒИЛДИРАКЛИ ТРАКТОРЛАРНИНГ ОЛДИ ВА ОРҚАСИГА  
ОСИЛАДИГАН ИШЧИ ҚИСМЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН  
ТУПРОҚҚА ИШЛОВ БЕРИШ МАШИНАЛАРИНИ  
АГРЕГАТЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИК ЕЧИМЛАРИ**

**05.07.01 – «Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари. Қишлоқ хўжалиги ва  
мелиорация ишларини механизациялаш»**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.DSc/Т.93 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштири илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тўхтақўзиев Абдусалим**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Фармон Муртазович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Тожиев Расулжон Жумабоевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Муродов Нусрат Муртазович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**«ВМКВ-Agromash» АЖ**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Т.10.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «31» октябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-38-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (+99871) 237-09-45, факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz))

Диссертация автореферати 2018 йил «15» октябр куни тарқатилди.  
(2018 йил 17 августдаги № 9 рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Мирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

**Б.М.Худаяров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

**А.А. Ахметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш, улардан юқори ҳосил олиш учун тупроқнинг унумдорлигини сақлаган ҳолда тупроққа ишлов бериш машина ва агрегатларини такомиллаштириш ҳамда илғор технологиялар ва замонавий техника воситаларини қўллаш етакчи ўринни эгалламоқда. «Дунё миқёсида турли қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини етиштириш учун ҳар йили 1,8 миллиард гектардан ортиқ майдонга ишлов берилишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, иш сифати ва унуми юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор тупроққа ишлов берадиган машина ва қурилмаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Ушбу йўналишда ривожланган хорижий давлатларда, жумладан АҚШ, Германия, Голландия, Англия, Италия, Россия Федерацияси, Белоруссия, Украина ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда ерларни шудгорлаш ва экиш олдидан ишлов беришда «push-pull» (тортиш-суриш) тизимидаги, яъни тракторнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган плуглар, комбинациялашган машиналар ва иш органларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>2</sup>.

Жаҳонда тупроққа ишлов бериш машиналарини агрегатлашнинг ресурстежамкор усуллари ва янги илмий-техникавий асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу йўналишда тракторнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш ва бошқа турдаги ишларни бажаришда қўлланиладиган машиналар ва агрегатларни ишлаб чиқиш ва технологик иш жараёнларини асослаш, улар ишчи қисмларининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашиш ва тракторлар билан агрегатлаш жараёнларида ресурстежамкорликни таъминлаш бўйича мақсадли илмий изланишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга тракторнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналарининг горизонтал ва бўйлама-тик текисликларда ғилдиракли тракторлар билан боғланиш схема ва параметрларини иш жараёнида уларнинг тўғри чизиқли ҳаракати ҳамда ҳаракатлантиргичларига тушадиган тик юкланишларни мақбул тақсимланишини таъминлаш орқали юқори иш унуми ва сифатига ҳамда энергия-ресурстежамкорликка эришиш жиҳатидан асослаш долзарб ҳисобланади.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат ва энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, қишлоқ хўжалик экинларини илғор технологиялар асосида етиштириш ва юқори унумли қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини икки баробардан зиёд қўпайтириш, ...2017-2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув

<sup>1</sup> [http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek\\_zemlia.html](http://evdemosfera.narod.ru/issl/issl/ek_zemlia.html)

<sup>2</sup> [www.agroru.com/blog/novinki\\_agromislenogo\\_kompleksa](http://www.agroru.com/blog/novinki_agromislenogo_kompleksa)

ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш..., ... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»<sup>3</sup> вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни бажаришда, жумладан юқори қувватли тракторларни «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари билан агрегатлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2694-сон «2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 июлдаги ПҚ-3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техникавий базасини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Ерларга ишлов беришда энергия-ресурслар сарфини камайтириш ҳамда иш унумини ошириш имконини берадиган, комбинациялашган ҳамда тракторнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cornell University, Pennsylvania State University (АҚШ), University of Hohenheim, University of Göttingen (Германия), Москва агромуҳандислар университети, Алтай давлат техника университети, Воронеж давлат ўрмон хўжалиги техникалари академияси (Россия Федерацияси), Беларус давлат аграр техника университети (Белорус Республикаси), Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Таврия давлат агротехнологиялар университети (Украина), Латвия қишлоқ хўжалиги университети (Латвия), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти, Андижон ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтлари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти (Ўзбекистон Республикаси) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.google.com.tr/patents/US20120241178](http://www.google.com.tr/patents/US20120241178); <http://vesti.belal.by/vestir.php?page=200605>; [https://мосполитех.рф/storage/files/conf\\_145\\_program.pdf](https://мосполитех.рф/storage/files/conf_145_program.pdf); <https://doi.org/10.15159/AR.17.069>; <http://www.tsatu.edu.ua/mvz/wp-content/uploads/sites/5/monohrafyja-mytkov-v.b.pdf>; [https://fcaib.edu.ng/books/Engineering/%5B%20Ajit\\_K.\\_Srivastava\\_Carroll\\_E.\\_Goering%20Engineer\(BookFi.org\).pdf](https://fcaib.edu.ng/books/Engineering/%5B%20Ajit_K._Srivastava_Carroll_E._Goering%20Engineer(BookFi.org).pdf); [www.farmgard.co.nz](http://www.farmgard.co.nz); [www.lemken.com](http://www.lemken.com); [www.youtube.com/tractorspotter](http://www.youtube.com/tractorspotter); [www.agro-sistema.ru](http://www.agro-sistema.ru) ва бошқа манбалар асосида ўтказилган.

Ерларга ишлов беришда энергия-ресурслар сарфини камайтиришни таъминлашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: тракторни олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган, яъни «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш ва бошқа турдаги машиналар яратилган (University of Hohenheim (Германия), Москва агромуҳандислар университети (Россия Федерацияси), Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Таврия давлат агротехнологиялар университети (Украина), Латвия қишлоқ хўжалиги университети (Латвия), Беларус давлат аграр техника университети (Белорусия Республикаси)); «push-pull» тизимидаги агрегатларнинг тўғри чизикли ҳаракатига асосан тракторнинг олди ва орқа осииш механизмларининг тури ва параметрларини назарий ва тажрибавий тадқиқотлар асосида мақбуллаштириш орқали амалга ошириш мумкинлиги асосланган (Москва агромуҳандислар университети, Алтай давлат техника университети, Воронеж давлат ўрмон хўжалиги техникалари академияси (Россия Федерацияси), Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Таврия давлат агротехнологиялар университети (Украина), Латвия қишлоқ хўжалиги университети (Латвия), Беларусия давлат аграр техника университети (Белорусия Республикаси)); «push-pull» тизимидаги плуг билан ишлаётган тракторнинг тўғри чизикли ҳаракати ва унинг ҳаракатлантиргичларига тушаётган тик юкланишлар экспериментал тадқиқотлар орқали ўрганилган (Москва агромуҳандислар университети (Россия), Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (Украина)); тупроққа ишлов беришда энергия сарфини камайтириш учун тупроққа ишлов бериш агрегатларининг қамраш кенглиги ва иш тезлигини ошириш, иш органларини уларнинг рамасига эластик устунлар воситасида бириктириш, иш органларини иш давомида ўзи чархланувчанлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ишчи юзаларини антифрикцион материаллар билан қоплаш каби усуллар ишлаб чиқилган (Michigan State University, University of Illinois (АҚШ), The Institute of agricultural engineering (Англия), University Bologna, Institute for agricultural mechanization (Италия)).

Жаҳонда ерларга ишлов беришда энергия-ресурслар сарфини камайтириш ва иш унумини ошириш бўйича бир қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроққа ишлов бериш агрегатларининг қамраш кенглиги ва иш тезлигини ошириш; комбинациялашган тупроққа ишлов бериш машиналарини ишлаб чиқиш; тракторни олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналарни яратиш; машиналар иш органларини уларнинг рамасига эластик устунлар воситасида бириктириш; тупроққа ишлов беришда энергия сарфини камайтирадиган технологияларни жорий этиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** «Push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарини яратиш, улар асосида тузилган агрегатларнинг тўғри чизикли ҳаракатини таъминлаш ҳамда улар ишчи қисмларини трактор билан боғланиш схема ва параметрларини асослаш бўйича хорижда

М. Rousselent, К. Köller, Н. Traulsen (Германия), Т. Will, F. Mitchell (АҚШ), В.Г. Кирюхин, А.Ш. Касимов, В.В. Золатарев, А.Н. Юрин, А.В. Китун, А.Н. Плошаднов, П.Ю. Яковлев, А.И.Панов, И.Е. Донцов, И.М. Бартенев, П.И. Попиков, А.А. Переславцев, Е.И. Галкин, П.П.Гамалеев, А.С.Зейгерман (Россия Федерацияси), А.Д. Кистечок, В. Надикто, В.Булгаков, В.Б.Митков (Украина), А.В.Вашула (Белоруссия Республикаси) ва бошқалар шуғулланишган.

Республикамизда «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш, экиш, экинларни парваришlash, қатор ораларига ишлов бериш, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш каби агротехник тадбирларни бажаришда қўлланиладиган комбинациялашган машиналарни яратиш бўйича Р.И.Бойметов, А.Тўхтақўзиев, А.А.Ахметов, Ф.Маматов, Б.Худаяров, Б.Тўлаганов, Ф.Ғаниев ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Лекин кўрсатилган тадқиқотларда «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари ишчи қисмларининг трактор билан боғланиш схема ва параметрларини асосlash, улар асосида тузилган агрегатларнинг тўғри чизиқли ҳаракатини таъминlash масалалари етарли даражада ўрганилмаган. Шулардан келиб чиққан ҳолда мазкур иш «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарини ҳозирги даврда республикамизда кенг қўлланилаётган ғилдиракли ҳайдов тракторлари билан агрегатlashнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқишга бағишланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизацияlash ва электрlashтириш илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ҚХФ-2-003 «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида турли технологик жараёнларни кўшиб бажарадиган мобил энергия-ресурстежамкор агрегатларни яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2012-2016) лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тракторнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналарини ғилдиракли тракторлар билан энергия-ресурстежамкорлик ва иш унуми ошишини таъминлайдиган боғланиш схема ва параметрларини асосlashдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари ишчи қисмларини горизонтал ва бўйлама-тик текисликларда ғилдиракли тракторлар билан боғланиш схема ва параметрларини асосlash, уларни ғилдиракли тракторлар билан агрегатlashнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш;

«push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари асосида тузилган агрегатлар тўғри чизиқли ҳаракатини ифодалайдиган аналитик боғлиқликларни ишлаб чиқиш;

«push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари билан ишлаётган ғилдиракли тракторларнинг ҳаракатлантиргичларига тушаётган тик юкланишларни аниқlash ва уларнинг мақбул тақсимланишини асосlash;



республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиши мумкин бўлган «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарининг конструктив схемаларини ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган «push-pull» тизимидаги плуг ва комбинациялашган машина ишчи қисмларининг параметрларини аниқлаш;

«push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарининг тажриба нусхаларини тайёрлаш ва синовларини ўтказиш, уларни қўллашдан олинган иқтисодий самарани аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олди ва орқа қисмлари осиш механизмлари билан жиҳозланган ғилдиракли ҳайдов трактори, у билан агрегатланган «push-pull» тизимидаги плуг ва комбинациялашган машина олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари ишчи қисмларини ғилдиракли тракторлар билан боғланиш схема ва параметрлари, улар асосида тузилган агрегатларнинг тўғри чизиқли ҳаракати, иш жараёнида ғилдиракли тракторларнинг ҳаракатлантиргичларига тушадиган тик юкланишлар ва уларни ўзаро тақсимланишини ифодаловчи математик моделлар ва аналитик боғланишларни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, назарий механика, деҳқончилик механикаси, олий математиканинг фундаментал қонун ва қоидалари, аналитик, графо-аналитик усуллар қўлланилган ва мавжуд меърий ҳужжатларда (Tst 63.02.2001, Tst 63.03.2001, Tst 63.04.2001) келтирилган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«push-pull» тизимидаги плуг ва ғилдиракли трактордан ташкил топган ҳайдов агрегатининг тўғри чизиқли ҳаракати уларнинг горизонтал текисликдаги боғланиш схема ва параметрлари ҳамда плуг олдинги ва орқанги қисмлари дала тахталарининг параметрларига боғлиқлиги асосланган;

«push-pull» тизимидаги плуг олдинги ва орқанги қисмларининг белгиланган чуқурликка ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатланиши уларнинг бўйлама-тик текисликда тракторлар билан боғланиш схема ва параметрларига боғлиқлиги асосланган ва уларнинг мақбул қийматлари аниқланган;

«push-pull» тизимидаги плуг билан ишлаётган тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига тушаётган тик юкланишларни мақбул тақсимланиши плугнинг олдинги ва орқанги қисмларига ўрнатилган корпуслар сонига боғлиқлиги асосланган ва уларнинг мақбул қийматлари аниқланган;

«push-pull» тизимидаги плуг ва комбинациялашган машина ишчи қисмларининг юқори иш сифати ва энергия-ресурстежамкорликни таъминлайдиган мақбул параметрлари аниқланган;

ерларга асосий ва экиш олдидан ишлов беришда энергия-ресурстежамкорликни ва иш унуми ортишини таъминлайдиган «push-pull» тизимидаги плуг ва комбинациялашган машина ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўтказилган тадқиқотлар асосида 4-5 классдаги ғилдиракли тракторлар

билан агрегатланадиган «push-pull» тизимидаги плуг ва ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машина ишлаб чиқилган; назарий ва экспериментал тадқиқотлар асосида улар ишчи қисмларининг параметрлари аниқланган ҳамда уларга дастлабки талаблар ва техник топшириқ ишлаб чиқилган;

4-5 классдаги ғилдиракли тракторлар билан агрегатланадиган «push-pull» тизимидаги плуг ва ерларга экиш олдидан ишлов беришда қўлланиладиган комбинациялашган машинанинг конструкциялари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги назарий тадқиқотлар назарий механика ва олий математиканинг фундаментал қонун ва қоидаларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларни амалиётда жорий этилганлиги, бажарилган тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган «push-pull» тизимидаги плуг ва комбинациялашган машинанинг синовлари натижалари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тракторнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналари ишчи қисмларининг ғилдиракли тракторлар билан боғланиш схема ва параметрлари, улар асосида тузилган агрегатларнинг тўғри чизикли ҳаракати ва тракторларнинг ҳаракатлантиргичларига тушаётган тик юкланишларни ифодаловчи механик-математик моделлар ва аналитик боғлиқликлар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган «push-pull» тизимидаги плуг ва комбинациялашган машина қўлланилганда ерларга асосий ва экиш олдидан ишлов беришда ёнилғи ва бошқа моддий харажатлар ҳамда меҳнат сарфини камайтириши ва иш унумини оширишидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғилдиракли тракторларнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш машиналарини агрегатлашнинг илмий-техник ечимларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда олинган натижалар асосида:

4-5 классдаги ғилдиракли тракторларнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган плуг ва комбинациялашган машина «Янгийўл» ва «Қуйичирчиқ» туманлари фермер хўжаликларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 октябрдаги 02/23-519-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир гектар ерга сарфланадиган ёнилғи ва тўғридан-тўғри харажатларни мос равишда 2,5-4,2 кг га ва 11,5-36,8 фоизга камайтириш имкони яратилган;

ерларга асосий ва экиш олдидан ишлов беришда технологик жараёнларни бажарилишининг сифат кўрсаткичларини баҳолашга ишлаб чиқилган дастлабки талаблар ва ғилдиракли тракторларнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган плуг ва комбинациялашган машина конструкциясини лойиҳалашга ишлаб чиқилган техник топшириқ «Yangiyo'l-Agromash» МЧЖ да жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 октябрдаги 02/23-519-сон

маълумотномаси). Натижада «push-pull» тизимидаги плуг ва комбинациялашган машина конструкцияларини ишлаб чиқиш имкони яратилган;

4-5 классдаги ғилдиракли тракторларнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган плуг ва комбинациялашган машинани ишлаб чиқаришни ўзлаштириш учун лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлари (техникавий шартлар ва чизмалар) ва ҳисоблаш усуллари «ВМКВ-Agromash» АЖ да лойиҳалаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 2 октябрдаги 02/23-519-сон маълумотномаси). Натижада 4-5 классдаги ғилдиракли тракторларнинг олди ва орқа қисмига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган плуг ва комбинациялашган машинани ишлаб чиқариш имкони яратилган;

тупроққа ишлов бериш машиналарининг бўйлама-тик текисликда трактор билан ўзаро мақбул боғланишини таъминловчи аналитик боғланишлар ва математик ифодалардан ҚХФ-2-001 «Тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий асослари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2017-2020 йй.) таянч қурилмали ва таянч қурилмасиз тупроққа ишлов бериш машиналари билан ерларга ишлов бериш жараёнида тупроқнинг намлиги, қаттиқлиги, зичлиги ва бошқа хоссалари ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг улар иш органларининг ишлов бериш чуқурлиги ва унинг барқарорлигига таъсирини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 27 октябрдаги ФТА 02/11-951-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни қўллаш тупроққа ишлов бериш машиналарининг белгиланган ишлов бериш чуқурлигига ботиши ва шу чуқурликда барқарор ҳаракатини юқори аниқликда аниқлаш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, жумладан 6 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтита боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 208 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги

асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Муаммонинг қўйилиши ва тадқиқот вазифалари**» деб номланган биринчи бобида ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган технология ва техника воситалари, ерларга ишлов беришда энергия сарфини камайтириш йўллари, «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари ва улар бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижда олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган.

Дунё амалиёти ҳамда олиб борган изланишларимизни кўрсатишича ерларга ишлов беришда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш ҳамда иш унумини оширишнинг муҳим йўлларида бири тракторнинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган, яъни «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарини кенг қўллашдан иборат. Бунда турли технологик жараёнларни қўшиб бажариш имконияти вужудга келади, тракторларнинг ҳаракатлантиргичларига тушадиган тик юкланишларни мақбул тақсимланиши ҳамда ортиши туфайли уларнинг тупроқ билан тортиш-илашиш хоссалари яхшиланади. Бунинг натижасида иш унуми ортади ва ёнилғи сарфи камаяди.

Тракторни олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган тупроққа ишлов бериш ва бошқа машиналарни яратиш, тадқиқ этиш ва синаш бўйича В.Г. Кирюхин, А.Ш. Касимов, В.В. Золатарев, А.Н. Юрин, А.В. Китун, А.Н. Площаднов, П.Ю. Яковлев, И.Е. Донцов, И.М. Бартенев, П.И. Попиков, А.А. Переславцев, Е.И. Галкин, А.Д. Кистечок, В.Т. Надикто, М. Rousselent, Karlheinz Köller, Н. Traulsen ва бошқалар шуғилланишган. Ҳозирги пайтда Huard, Renault, Theme, Naud, Rabewerk, Överum, Gassner, Lemken каби етакчи фирмалар ҳамда Россия ва Украинада «push-pull» тизимидаги плуглар ва ерларни экишга тайёрлашда қўлланиладиган бошқа машиналар ишлаб чиқилган ва қўлланилмоқда. Лекин адабиётларда келтирилган маълумотларнинг таҳлили ва ўтказилган синовларининг натижалари «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналари асосида тузилган агрегатларнинг тўғри чизикли ҳаракатини таъминлаш масалалари ҳамда улар ишчи қисмлари(айниқса тракторни олдига осиладиган қисми)ни тракторлар билан боғланиш схема ва параметрлари етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Push-pull**» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарининг тракторлар билан боғланишларини тадқиқ этиш» деб номланган иккинчи бобида «push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарининг ишчи қисмларини горизонтал ва бўйлама-тик текисликларда тракторлар билан боғланиш схема ва параметрларини тадқиқ этиш ҳамда улар билан ишлаётган тракторларнинг тўғри чизикли ҳаракатини таъминлаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

«Push-pull» тизимидаги тупроққа ишлов бериш машиналарини яратишда ечилиши лозим бўлган муҳим масалалардан бири улар қўшиб

ишлатиладиган тракторларнинг тўғри чизикли ҳаракатини таъминлаш ҳисобланади. Чунки акс ҳолда, яъни тракторнинг тўғри чизикли ҳаракати таъминланмаса уни бошқариш қийинлашиб, агрегатнинг иш кўрсаткичлари ва унуми пасаяди, агротехник тадбирларни бажаришга энергия сарфи ортади.

Тракторнинг тўғри чизикли ҳаракатини таъминлаш масаласи айниқса унга машиналар томонидан носимметрик кучлар таъсир этганда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бунда тракторга таъсир этувчи носимметрик кучлар уни иш жараёнида у ёки бу томонга буриб юборишга интилади. Табиийки, бундай ҳолат трактор носимметрик машиналар, айниқса плуглар билан ишлаганда юз беради. Шундан келиб чиққан ҳолда трактор тўғри чизикли ҳаракатини таъминлаш масаласини у «push-pull» тизимидаги, яъни унинг олди ва орқасига осиладиган ишчи қисмлардан ташкил топган плуг билан ишлаётган ҳол учун тадқиқ этилди (1-расм).

Плуг билан ишлаётган трактор иш жараёнида тўғри чизикли ҳаракат қилиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

1. Плугнинг горизонтал текисликдаги тортиш чизиғи, яъни унинг шу текисликдаги оний айланиш ва қаршилиқ марказларини туташтирувчи чизик трактор ҳаракатлантиргичларининг босим марказидан ўтиши;

2. Плуг иш жараёнида ён томонга оғмасдан ишлаши, яъни тўғри чизикли ҳаракат қилиши;

3. Тракторнинг ён томонга сурилиб кетиш ва белгиланган тўғри чизикли ҳаракат йўналишини сақлай олиш бўйича турғунликлари таъминланган бўлиши.


Биринчи шартни бажарилиши «push-pull» тизимидаги плуг олдинги ва орқанги қисмларининг горизонтал текисликдаги оний айланиш марказларини трактор ҳаракатлантиргичларининг босим маркази  $L_m$  га (1-расм) уларнинг пастки осини нуқталари орасидаги  $l_1$  ва  $l_2$  масофаларни ўзгартириш ҳисобига келтириш йўли билан таъминланади (1-расм).

1-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб  $l_1$  ва  $l_2$  масофаларнинг плуг олдинги ва орқанги қисмларининг оний айланиш марказлари трактор ғилдирақларининг босим марказида жойлашишини таъминловчи қийматини аниқлаш учун қуйидаги ифодалар олинди

$$l_1 = \left( 1 + \frac{l_1^0 \cos \varepsilon_1}{\sqrt{c_1^2 + (0,5k_1)^2}} \right) k_1 \quad (1) \quad \text{ва} \quad l_2 = \left( 1 + \frac{l_2^0 \cos \varepsilon_2}{\sqrt{c_2^2 + (0,5k_2)^2}} \right) k_2, \quad (2)$$

бунда  $l_1^0$ ,  $l_2^0$  – мос равишда трактор олдинги ва орқанги осини механизмлари пастки бўйлама тортқиларининг узунлиги, м;  $c_1$ ,  $c_2$  – мос равишда трактор олдинги ва орқанги осини механизмлари пастки бўйлама тортқиларининг кўзғалмас шарнирларидан у ғилдирақларининг босим марказигача бўлган бўйлама масофалар, м;  $k_1$ ,  $k_2$  – мос равишда трактор олдинги ва орқанги осини механизмларининг олдинги (кўзғалмас) шарнирлари орасидаги кўндаланг масофалар, м;  $\varepsilon_1$ ,  $\varepsilon_2$  – мос равишда трактор олдинги ва орқанги осини механизмлари бўйлама тортқиларининг иш ҳолатда горизонтга нисбатан оғиш бурчаги, градус.

Плуг олдинги ва орқанги қисмларининг ён томонга оғмасдан ишлаши



1-расм. «Push-pull» тизимидаги плугнинг олдинги ва орқанги қисмларини горизонтал текисликда трактор билан боғланиш схемалари

улар корпуслари дала тахталарининг узунликларини ўзгартириш ҳисобига эришилинади ва улар қуйидаги ифодалар бўйича аниқланади

$$l_1^0 \geq \frac{3\eta k b_k \sin(\delta - \alpha_1^c) \cos \varphi}{2[q] \cos(\alpha_1^c + \varphi) \cos \delta} \quad (3) \quad \text{ва} \quad l_2^0 \geq \frac{3\eta k b_k \sin(\delta + \alpha_2^c) \cos \varphi}{2[q] \cos(\alpha_2^c + \varphi) \cos \delta}, \quad (4)$$

бунда  $\eta$  – плугнинг фойдали иш коэффициенти;  $k$  – плугнинг солиштирма қаршилиги, Па;  $b_k$  – плуг корпусининг қамраш кенглиги, м;  $\delta$  – агрегат ҳаракат йўналиши ва горизонтал текисликда плуг корпусининг лемехи ва ағдаргичга таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчиси орасидаги бурчак, градус;  $\alpha_1^c, \alpha_2^c$  – мос равишда плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари тортиш чизиқларини ҳаракат йўналишидан оғиш бурчаклари (1-расмга қаралсин), градус;  $\varphi$  – плуг дала тахталарини эгат деворига ишқаланиш бурчаги, градус;  $[q]$  – дала тахталарининг эгат деворига жоиз солиштирма босими, Па.

Трактор ён томонга сурилишга турғунлигини йўқотмаслиги учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим

$$\frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^c \pm R_1^{xy} \sin \alpha_1^c) b}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_A)^2 - (F_A)^2} \quad (5)$$


ва

$$\frac{(R_2^{xy} \sin \alpha_2^c \pm R_1^{xy} \sin \alpha_1^c) a}{L} < \sqrt{(\varphi_u G_B)^2 - (F_B)^2}, \quad (6)$$

бунда  $R_1^{xy}, R_2^{xy}$  – мос равишда плугнинг тракторни олди ва орқасига осилган ишчи қисмларига горизонтал текисликда таъсир этувчи кучларнинг тенг таъсир этувчилари, Н;  $a, b$  – мос равишда трактор ғилдираklarининг босим марказидан унинг олдинги ва орқанги кўприкларигача бўлган масофалар, м;  $\varphi_u$  – трактор ғилдираklarининг тупроқ билан илашиш коэффициенти;  $G_A, G_B$  – тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдираklarига таъсир этувчи тик кучлар, Н;  $F_A, F_B$  – трактор олдинги ва орқанги ғилдираklarининг ҳаракатлантурувчи кучлари, Н;  $L$  – тракторнинг базаси, м.

(5)-(6) ифодалар бўйича иш жараёнида тракторни ёнбош томонга сурилиб кетиш эҳтимоли плугнинг олдинги ва орқанги қисмлари томонидан унга таъсир этувчи ён кучлар бир томонга йўналганда катта, қарама-қарши томонга йўналганда эса кичик бўлади.

Тракторнинг белгиланган тўғри чизикли ҳаракат йўналишини сақлай олиши бўйича турғунлигини тадқиқ этиш учун унинг ёнбош ва бурчак оғишларини ифодаловчи дифференциал тенгламалар тузилди. 2-расмда келтирилган схемага мувофиқ улар қуйидаги кўринишга эга бўлади



2-расм. «Push-pull» тизимидаги плуг билан ишлаётган тракторнинг ҳаракат тенгламасини тузишга доир схема

$$m\ddot{y}_c + \frac{K_{t1} + K_{t2}}{V} \dot{y}_c + \frac{aK_{t1} - bK_{t2}}{V} \dot{\beta} - [F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy} + K_{t1} + K_{t2}]\beta = (K_{t1} - F_A)\gamma_T + R_1^{xy}\alpha_1^c - R_2^{xy}\alpha_2^c \quad (7)$$

ва

$$\frac{aK_{t1} - bK_{t2}}{V} \dot{y}_c + J_z \ddot{\beta} + \frac{a^2 K_{t1} + b^2 K_{t2}}{V} \dot{\beta} - aK_{t1} - bK_{t2} \beta = (K_{t1} - F_A)a\gamma_T - M_c, \quad (8)$$

бунда  $m$  – тракторнинг массаси, кг;  $y_c$  – трактор ҳаракатлангичларининг босим марказини белгиланган ҳаракат йўналишидан ён томонга оғиши, м;  $\gamma_T$  – трактор бошқариладиган ғилдиракларини нейтрал ҳолатга нисбатан бурилиш бурчаги, градус;  $\beta$  – трактор бўйлама ўқини  $OX$  ўқига нисбатан бурилиш бурчаги, градус;  $J_z$  – тракторнинг инерция моменти (у ғилдиракларининг горизонтал текисликдаги босим марказига нисбатан), кгм<sup>2</sup>;  $M_c$  – стабиллаштирувчи момент, Нм;  $K_{t1}$  ва  $K_{t2}$  – мос равишда трактор олдинги ва орқанги кўприкларининг ёнбош томонга тойишга қаршилик коэффициентлари, Н;  $V$  – тракторнинг ҳаракат тезлиги, м/с.

(7) ва (8) тенгламаларнинг характеристик тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$(mVJ_z)\lambda^4 + [(J_z + ma^2)K_{t1} + (J_z + mb^2)K_{t2}]\lambda^3 + \left[ \frac{1}{V} L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV(aK_{t1} - bK_{t2}) \right] \times \lambda^2 + (aK_{t1} - bK_{t2})(F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy})\lambda = 0. \quad (9)$$

Турғунлик назариясидан маълумки, трактор белгиланган йўналиш бўйича тўғри чизикли ҳаракат қилиши учун (9) тенгламанинг барча илдизлари манфий ишорали бўлиши, бунинг учун эса қуйидаги шартлар бажарилиши лозим

$$(J_z + ma^2)K_{t1} + (J_z + mb^2)K_{t2} > 0; \quad (10) \quad L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV^2(aK_{t1} - bK_{t2}) > 0; \quad (11)$$

$$(aK_{t1} - bK_{t2})(F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy}) > 0; \quad (12)$$

ва

$$\left[ (J_z + ma^2)K_{t1} + (J_z + mb^2)K_{t2} \right] \left[ \frac{1}{V} L^2 K_{t1} \cdot K_{t2} - mV(aK_{t1} - bK_{t2}) \right] - mVJ_z(aK_{t1} - bK_{t2})(F_A + F_B + R_1^{xy} - R_2^{xy}) > 0. \quad (13)$$

(10)-(13) ифодалар таҳлилидан кўришиб турибдики трактор тўғри чизиқли ҳаракатининг турғунлиги асосан  $R_1^{xy}$  ва  $R_2^{xy}$  кучларнинг миқдори ҳамда йўналишини ва демак плуг параметрлари ва уни трактор билан боғланиш схемасини тўғри танлаш йўли билан таъминланади.


Барча тупроққа ишлов бериш машиналарининг (шу жумладан плугларнинг ҳам) бўйлама-тик текисликда трактор билан боғланиш схема ва параметрлари асосан уларни белгиланган чуқурликка ботиши ва шу чуқурликда бир текис(барқарор) юриши таъминланиши шартларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Бунинг учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим (3-расм):

$$0,5L \leq X_{op} \leq L; \quad (14) \quad \alpha_{up} < [\alpha_{up}]; \quad (15) \quad 0,5L \leq X_{oz} \leq L \quad (16) \quad \text{ва} \quad \alpha_{uz} < [\alpha_{uz}], \quad (17)$$

бунда  $X_{op}$ ,  $X_{oz}$  – трактор олдинги ва орқанги ғилдираклари айланиш марказларидан мос равишда плуг олдинги ва орқанги қисмларининг оний айланиш марказларигача бўлган бўйлама масофалар, м;  $\alpha_{up}$ ,  $\alpha_{uz}$  – плуг орқанги ва олдинги қисмлари шартли тортиш чизиғлари  $O_p\pi_p$  ва  $O_z\pi_z$  нинг горизонтга нисбатан оғиш бурчаги, градус;  $[\alpha_{up}]$ ,  $[\alpha_{uz}]$  – плуг олдинги ва орқанги қисмлари шартли тортиш чизиғлари  $O_p\pi_p$  ва  $O_z\pi_z$  нинг горизонтга нисбатан оғиш бурчагининг жоиз (рухсат этилган) қиймати, градус.

(14)-(17) шартлар бажарилиши учун плуг олдинги қисми трактор билан  $L(L_1) E(E_1)NM$  тўрт звеноли механизм (3-расм) воситасида боғланиши, унинг оний айланиш маркази иш жараёнида ҳайдов қатлаמידан пастда жойлашиши, плуг орқанги қисми эса трактор билан тўрт звеноли  $C(C_1) D(D_1)BA$  механизм воситасида боғланган бўлиши ва унинг оний айланиш маркази иш жараёнида дала юзасидан юқорида жойлашиши лозим.

$X_{op}$  ва  $X_{oz}$  ҳамда  $\alpha_{up}$  ва  $\alpha_{uz}$  ни трактор осииш механизми ва плуг олдинги ва орқанги қисмлари осииш қурилмаларининг параметрлари орқали ифодаланиб қуйидаги боғланишлар олинди



**3-расм. «Push-pull» тизимидаги плугнинг олдинги ва орқанги қисмларини бўйлама-тик текисликда трактор билан боғланиш схемалари**



$$\begin{aligned}
X_{op} = & \left\{ \left\{ H_3 \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} \right. \right. \\
& \times \left. \left. \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} - X_N \right\} \right\} : \\
& \left\{ (H_3 - Z_N) \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} + \right. \\
& \left. + \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right] X_N \right\} - \\
& - \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} - m_{op}; \tag{18}
\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
\alpha_{up} = & \arctg \left\{ \left\{ H_3 \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} \right. \right. \\
& \times \left. \left[ H_5 + H_3 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h - Z_N \right] - (H_5 + H_3 - h) \times \right. \\
& \times \left. \left\{ (H_3 - Z_N) \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} + \right. \right. \\
& \left. \left. + \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right] X_N \right\} \right\} / \left\{ H_3 \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} \right. \\
& \times \left. \left. \left. \left. \sqrt{(l_1^{\delta})^2 - 0,25 (l_1 - k_1)^2 - \left[ H_5 - H_1 \cos \arcsin \frac{h}{B_p} - 0,5h \right]^2} - X_N \right\} \right\} \right\}; \tag{19}
\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
X_{oz} = & \left\{ \left\{ H_4 \sqrt{(l_2^{\delta})^2 - 0,25 (l_2 - k_2)^2 - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_z} + 0,5h - H_6 \right]^2} \right. \right. \\
& \times \left. \left. \sqrt{(l_2^{\delta})^2 - 0,25 (l_2 - k_2)^2 - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_z} + 0,5h - H_6 \right]^2} - X_A \right\} \right\} : \\
& \left\{ (H_4 - Z_A) \sqrt{(l_2^{\delta})^2 - 0,25 (l_2 - k_2)^2 - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_z} + 0,5h - H_6 \right]^2} - \right. \\
& \left. - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_z} + 0,5h - H_6 \right] X_A \right\} - \\
& - \sqrt{(l_2^{\delta})^2 - 0,25 (l_2 - k_2)^2 - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_z} + 0,5h - H_6 \right]^2} - m_{oz} \tag{20}
\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
\text{ва } \alpha_{uz} = & \arctg \frac{1}{\sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2 - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_Z} + 0,5h - H_6 \right]^2}} \left\{ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_Z} + \right. \\
& + 0,5h - H_6 + \frac{(H_6 - h)}{\left. H_4 \sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2 - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_Z} + 0,5h - H_6 \right]^2} - X_A \right\} \times \\
& \times \left\{ (H_4 - Z_A) \sqrt{(l_2^6)^2 - 0,25(l_2 - k_2)^2 - \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_Z} + 0,5h - H_6 \right]^2} - \right. \\
& \left. \left[ H_2 \cos \arcsin \frac{h}{B_Z} + 0,5h - H_6 \right] X_A \right\}, \quad (21)
\end{aligned}$$

бунда  $X_N, Z_N$  – мос равишда трактор олдинги осиш механизмининг кўзгалмас  $L(L_1)$  ва  $N$  шарнирлари орасидаги бўйлама ва тик масофалар, м;  $H_1$  – трактор таянч текислигидан у олдинги осиш механизми пастки тортқиларининг кўзгалмас шарнирлари  $L(L_1)$  гача бўлган тик масофа, м;  $m_{op}$  – трактор олдинги ғилдираклари айланиш марказидан у осиш механизми пастки тортқиларининг кўзгалмас шарнирларигача бўлган бўйлама масофа, м;  $H_5$  – плуг олдинги қисми таянч юзасидан унинг пастки осиш нуқталари  $E (E_1)$  гача бўлган тик масофа, м;  $H_3$  – плуг олдинги қисмининг пастки ва юқориги осиш нуқталари орасидаги тик масофа, м;  $B_P$  – трактор олдинги ғилдираклари колеясининг кенглиги, м;  $X_A, Z_A$  – мос равишда трактор орқанги осиш механизмининг кўзгалмас  $C(C_1)$  ва  $A$  шарнирлари орасидаги бўйлама ва тик масофалар, м;  $H_2$  – трактор таянч текислигидан унинг орқанги осиш механизми пастки тортқиларининг кўзгалмас шарнирлари  $C(C_1)$  гача бўлган тик масофа, м;  $H_6$  – плуг орқанги қисми таянч текислигидан у осиш қурилмасининг пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа, м;  $H_4$  – плуг орқанги қисмининг пастки ва юқориги осиш нуқталари орасидаги тик масофа, м;  $B_Z$  – трактор орқанги ғилдираклари колеясининг кенглиги, м.

(18)-(21) ифодалар таҳлили шуни кўрсатадики, (14)-(17) шартлар берилган трактор учун асосан  $H_3$  ва  $H_5$  ҳамда  $H_4$  ва  $H_6$  масофаларни ўзгартириш ҳисобига таъминланади.


АХІОН 850 трактори мисолида (18)-(21) ифодалар бўйича  $H_3$  нинг турли қийматларида  $X_{op}$  ва  $\alpha_{up}$  ларни  $H_5$  га ҳамда  $H_4$  нинг турли қийматларида  $X_{oz}$  ва  $\alpha_{uz}$  ларни  $H_6$  га боғлиқ равишда ўзгариш графиклари қурилди. Уларнинг таҳлили (14)-(17) шартлар бажарилиши учун  $H_5$  ва  $H_6$  масофалар тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда мос равишда 930-1000 мм ва 870-955 мм оралиғида, тракторнинг бир томон ғилдираклари эгатда ҳаракатланганда эса мос равишда 960-1040 мм ва 706-900 мм оралиғида,  $H_3$  масофа тракторнинг барча ғилдираклари анғизда ҳаракатланганда 400-425 мм, бир томон ғилдираклари эгатда ҳаракатланганда эса 375-425 мм оралиғида,  $H_4$  масофа эса ҳар иккала ҳол учун 700-750 мм оралиғида бўлиши лозимлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Push-pull» тизимидаги тупрокка ишлов бериш машиналари билан ишлаётган тракторлар ҳаракатлантиргичларига тушаётган тик юкланишларни тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобида тракторларнинг ҳаракатлантиргичларига тушаётган тик юкланишларни аниқлаш ҳамда уларни мақбул тақсимланишини асослаш бўйича тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Маълумки, ғилдиракли тракторларнинг тортиш қобиляти, яъни улар томонидан ҳосил қилинадиган тортиш кучи кўп жиҳатдан иш жараёнида унинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига тушаётган тик юкланишларни бири-бирига нисбатан қай даражада тақсимланишига, яъни  $\lambda = R_1 / R_2$  (бунда  $\lambda$  – тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига тушаётган тик юкланишларни тақсимланиш коэффиценти;  $R_1, R_2$  –мос равишда тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига тушаётган тик юкланишлар) нисбатга боғлиқ.


Адабиётларда келтирилган маълумотлар бўйича барча ғилдираклари етакчи бўлган тракторлар томонидан ҳосил қилинадиган тортиш кучи максимал қийматга эга бўлиши учун уларнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига ўрнатиладиган шиналарнинг тури ва ўлчамларига боғлиқ равишда  $\lambda$  нинг қиймати 0,7-1,0 оралиғида бўлиши лозим. Анъанавий, яъни олдинги ғилдираклари орқанги ғилдиракларидан кичик бўлган тракторларда  $\lambda$  нинг назарий жиҳатдан мақбул қиймати 0,76 га тенг.

4-расмда келтирилган ҳисобий схемадан фойдаланиб, «push-pull» тизимидаги плуг билан ишлаётган трактор учун  $R_1, R_2$  ва  $\lambda$  ни аниқлаш имконини берадиган ифодалар олинди. Уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, «push-pull» тизимидаги плуглар билан ишлаётган тракторларнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига тушаётган тик юкланишларни мақбул тақсимланиши асосан уларнинг олдинги ва орқанги қисмларига ўрнатиладиган корпуслар сонини ўзгартириш ҳисобига таъминланади. AXION 850 трактори ва «push-pull» тизимидаги беш корпусли плугдан ташкил топган ҳайдов агрегатининг иш жараёнида тракторнинг олдинги ва орқанги ғилдиракларига тушаётган тик юкланишларнинг ўзаро мақбул тақсимланишини таъминлаш учун плугнинг олдинги қисмига иккита, орқанги қисмига эса учта корпус ўрнатилган бўлиши лозим.




